

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**“КОМПЬЮТЕР СЕРВИС ХИЗМАТИ”
ТЎГАРАК ДАСТУРИ**

ТОШКЕНТ – 2012

“Компьютер сервис хизмати” тўғарак дастури Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 69-сонли буйруғи асосида қайта ишлаб чиқилди.

Муаллифлар: **Ф.Ҳидоят**ов, Республика ўқувчилар саройи тўғарак раҳбари

З.Қодирова, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази раҳбар ўринбосари

А.Шамсиева, Тошкент шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази услубчиси

Такризчилар: **К.Рустамий**, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази тўғарак раҳбари

А.Абдурахимов, Тошкент шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази тўғарак раҳбари

Б.Болтаев, Республика таълим маркази, Таълим жараёнига ахборот - коммуникацион технологияларини жорий этиш бўлими

Ушбу ўқув дастури Республика таълим маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий йўналишдаги Илмий методик кенгашининг 2012 йил _____ даги ____-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Компьютер сервис хизмати” тўғарак ДАСТУРИ

КИРИШ

Замонавий компьютерлардан мураккаб ҳисоблаш ишларини бажариш билан бирга, ахборотларни сақлаш, турли жараёнларни бошқаришни автоматлаштириш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида учрайдиган долзарб муаммоларнинг математик моделини яратишда фойдаланилмоқда.

Ҳамонки, компьютер техникаси ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб борган экан, демак у ҳақда тўлиқ маълумот олишга интилишимиз табиий ҳол. Мактаб ёшидаги болалар компьютер билан бевосита “мулоқатга” киришадилар. Шу “мулоқат” самарали натижа бериши учун фойдаланувчи ЭҲМнинг яратилиши ва ривожланиши тарихини, компьютернинг техник имкониятларини, унинг тузилишини, ташқи ва ички қурилмаларининг ишлаш принципини билиш зарур.

Ҳар бир техник восита маълум муддат хизмат қилганидан сўнг ишдан чиқади. Компьютерларнинг хизмат муддати ҳам доимий эмас. Ишдан чиққан компьютерни таъмирлаш учун эса етарлича билим ва кўникма керак. Ана шу билим ва кўникмани, компьютер техникаси ҳақидаги зарур маълумотни ўқувчи-ёшларимиз “Компьютер сервис хизмати” тўғаракларида олишлари мумкин.

“Компьютер сервис хизмати” тўғарагининг мақсади - ўқувчиларда компьютерларга операцион тизимларни ва бошқа дастурий таъминотларни ўрнатиш, компьютерларнинг техник қисмларини алмаштириш, компьютерларни тармоққа улаш бўйича кўникмалар ва малакаларини ҳосил қилишдан иборат.

“Компьютер сервис хизмати” тўғараги вазифаси - болаларга компьютер техникасини тузатиш жараёнида фойдаланиладиган компьютер қисмлари, уларни тузатиш имкониятлари, уларни ўрнатиш тартибини, дастурларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш сирларини ўргатишдан иборат.

“Компьютер сервис хизмати” тўғарагига 9 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар жалб қилинади.

“Компьютер сервис хизмати” тўғарагининг ўқув дастури бир йилга мўлжалланган.

Тўғарак аъзолари билимига қўйиладиган Давлат талаблари

“Компьютер сервис хизмати” тўғарак аъзолари қуйидагиларни билиши лозим:

компьютер техникаси, унинг қурилмалари, техника ҳавфсизлиги қоидаларини;

дастурларнинг вужудга келиши ва ривожланиш омилларини;

компьютер ва компьютер тармоқлари ҳақидаги бошланғич билимларни;

операцион тизимлар хақидаги тушунчаларни;
компьютерда дастурлаш тилларини;
компьютерларга операцион тизимларни ва бошқа дастурий
таъминотларни ўрнатишни.

Қуйидаги қўникмаларга эга бўлиши лозим:

компьютер техникаларидан фойдалана олиш ва дастурлар тузиш;
кўчма хотирали воситалар (флешка, диск ва ҳ.)дан фойдаланиш;
компьютер техникасига дастурий таъминотларни ўрнатиш;
компьютерларни тармоққа улаш;

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

компьютер дастурларида ишлаш;
операцион тизимларда ишлаш;
компьютер тармоқларида ишлай олиш;
мустақил равишда турли компьютер дастурларини тайёрлаш;
компьютер дастурларини мустақил ўрнатиш;
янги дастурлар яратиш.

**"Компьютер сервиси хизмати" тўғарагининг ўқув
ДАСТУРИ**

№	Машғулот мавзулари	Назарий	Амалий	Жами
1	Кириш	1	-	1
	Тўғаракнинг мақсад ва вазифалари	1	-	1
	Техника ҳавфсизлиги қоидалари	1	-	1
2	Система блокини ўрнатиш ва уни тузатиш	3	9	12
3	Монитор (дисплей)ни ўрнатиш ва уни техник созлаш	3	9	12
4	Компьютерининг қўшимча қурилмалари ва уларга хизмат кўрсатиш	3	-	3
5	Сканерни ўрнатиш ва созлаш	3	6	9
6	Сичқонча ва клавиатурани ўрнатиш, уларни созлаш	-	3	3
7	МТНИ-1	3	-	3
8	Проекторни ўрнатиш ва созлаш	1	8	9
9	Принтер турлари ва уларга хизмат кўрсатиш	3	9	12
10	Плоттер	3	6	9
11	Умумий бошқарув платасини кейсга ўрнатиш	1	5	6
12	Процессор ва куллер (вентилятор) ўрнатиш	-	6	6
13	Блок питанияни ўрнатиш	1	5	6
14	МТНИ-2	3	-	3
15	Оператив хотира ва уларни ўрнатиш	1	5	6
16	Видеокарта турлари ва уларни ўрнатиш	1	5	6
17	ТВ тюнерни ўрнатиш ва созлаш	1	8	9
18	Компьютер тармоқларини ўрнатиш ва созлаш	3	6	9
19	Компьютерга дастурлар ўрнатиш	3	6	9
20	Винчесторни ўрнатиш	3	6	9
21	Компьютерга микрофонни ўрнатиш ва уни созлаш	3	6	9
22	Компьютерга наушник, колонкаларни ўрнатиш ва уни созлаш	3	6	9
23	Флешка ва картрийдерларни ўрнатиш	3	3	6
24	МТНИ-3	3	-	3

25	Модем турлари ва уларни ўрнатиш	3	9	12
26	CD-RW / DVD-RW ларни ўрнатиш	3	9	12
27	Floppy дисководни ўрнатиш	-	3	3
28	Джойстикни ўрнатиш ва созлаш	-	3	3
29	Веб – камерани ўрнатиш ва созлаш	3	3	6
30	Овоз платасини ўрнатиш ва созлаш	3	3	6
31	МТНН-4	3	-	3
Жами		69	147	216

1. Кириш.

Компьютернинг ривожланиш тарихи. Бешта авлод машиналари ҳақида маълумот бериш. Компьютернинг таркибий қисмлари, уларнинг ишлаш принципи. Компьютер сервис хизматининг моҳияти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти. Техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидалари. Тўғаракнинг ўқув йилидаги иш режаси билан таништириш.

2. Система блокни ўрнатиш ва уни тузатиш.

Система блокининг ишлаш тартиби. Унинг таркибий қисмлари ҳақида тушунча бериш. Операцион системалар (ОС) ҳақида маълумот бериш. Операцион системанинг функцияси. Ҳозирги кунда ишлатиладиган ОС ҳақида маълумот бериш. ОСнинг турли параметрларига кўра синфларга бўлиниши.

Амалий машғулот: Система блокинни ўрнатиш ва уни тузатиш усуллари билан танишиш.

3. Монитор (дисплей)ни ўрнатиш ва уни созлаш.

Система блокдаги маълумотни экранга чиқарувчи қурилма-монитор ҳақида маълумот бериш. Мониторнинг ишлаш тартиби.

Амалий машғулот: Мониторни созлаш усуллари билан танишиш.

4. Компьютернинг қўшимча қурилмалари ва уларга хизмат кўрсатиш.

Компьютернинг ёрдамчи қурилмалари ҳақида умумий маълумот. Сичқонча, сканер, модел, карнайнинг функцияси ҳақида тушунча бериш. Ушбу қурилмаларнинг иш жараёнини енгилатувчи хусусияти.

5. Сканерни ўрнатиш ва созлаш.

Сканернинг ташқи тузилиши, таркибий қисмлари, вазифаси ҳақида тушунча. Сканернинг имконият кенглиги.

Амалий машғулот: Матн, чизма, қўлёзма, тасвир ҳолидаги маълумотни компьютер экранига кўчириш.

6. Сичқонча ва клавиатурани ўрнатиш, созлаш.

Амалий машғулот: Сичқонча ва клавиатура функциясининг ўхшаш ва фарқли томонлари. Ушбу қурилмалардаги тугмаларнинг вазифалари. Клавиатурада кирил ва латин ёзувдаги ҳарфларнинг жойлашиш тартиби.

7. МТНИ-1.

1-6 мавзулар бўйича ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш.

8. Проекторни ўрнатиш ва созлаш.

Монитордаги маълумотни катта экранга тушириб берувчи қурилма - проекторнинг ишлаш жараёни ҳақида тушунча бериш.

Амалий машғулот: Проекторни компьютерга улаш ва созлаш усуллари.

9. Принтер турлари ва уларга хизмат кўрсатиш.

Принтер (экрандаги маълумотни босмага чиқариш қурилмаси)нинг ички қисмлари. Унинг ишлаш принципи ва имкониятлари. Принтер турлари (матрицали, сепувчи, литерли, лазер, ...) ҳақида маълумот бериш.

Амалий машғулот: Принтерга хизмат кўрсатиш ишларини олиб бориш.

10. Плоттер.

Плоттер (график ясовчи)нинг вазифаси.

Амалий машғулот: Плоттерни компьютерга улаш ва созлаш.

11. Умумий бошқарув (материнская) платасини кейсга ўрнатиш.

Ички қисмлар уланадиган қурилма – умумий бошқарув платасининг компьютерга ўрнатилиш йўллари.

Амалий машғулот: Умумий бошқарув платасини ўрнатиш ва таъмирлаш жараёнида алмаштириш.

12. Процессор ва куллер (вентилятор) ўрнатиш.

Амалий машғулот: Марказий ҳисобловчи - процессорнинг ишлаш принципи. Куллернинг вазифаси. Таъмир талаб ҳолларда ушбу қурилмаларни алмаштириш усуллари.

13. Блок питанияни ўрнатиш.

Блок питания - компьютернинг электр токини тақсимловчи қурилма ҳақида маълумот бериш.

Амалий машғулот: Блок питанияни компьютерга улаш.

14. МТНИ-2.

8-13 мавзулар бўйича ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш.

15. Оператив хотира ва уларни ўрнатиш

Оператив хотиранинг вазифаси, ишлаш усули ҳақида тушунча бериш. Компьютерга тушган ахборотнинг қайта ишланиши ва сақланиши.

Амалий машғулот: Оператив хотирани ўрнатиш.

16. Видеокарта турлари ва уларни ўрнатиш

Видеокарта (VGA)нинг бажарадиган иши, унинг турлари ҳақида маълумот бериш.

Амалий машғулот: Видеокартани ўрнатиш усуллари.

17. ТВ тюнерни компьютерга улаш.

Компьютерда теледастурларни кўриш ва ёзиб олиш имконини берувчи қурилманинг ишлаш принципи.

Амалий машғулот: ТВ тюнерни компьютерга улаш.

18. Компьютер тармоқларини ўрнатиш ва созлаш.

Локал тармоқ ҳақида маълумот бериш. Локал тармоқнинг афзалликлари, бундай тармоққа уланишда ишлатиладиган махсус мосламалар (адаптер, штиккерли кабел).

Амалий машғулот: Локал тармоқ фаолиятини бошқариш.

19. Компьютерга дастурлар ўрнатиш йўллари.

Дастур турлари билан танишиш.

Амалий машғулот: Дастурларни компьютерга ўрнатиш.

20. Винчесторни тузилиши, унинг функцияси ҳақида тушунча бериш.

Винчестор ҳақида маълумот. Унинг имконият кенглиги.

Амалий машғулот: Винчесторни компьютерга ўрнатиш.

21. Компьютерга товушли ахборотларни киритиш усуллари.

Компьютерга микрофонни улаш ва созлаш усуллари.

Амалий машғулот: Компьютерга микрофонни улаш ва созлаш.

22. Компьютерда товушли ахборотни эшитиш имконини берувчи қурилмаларнинг ишлаш жараёнини ёритиш.

Колонка ва наушникларни компьютерга улаш ва уларни созлаш йўллари.

Амалий машғулот: Колонка ва наушникларни компьютерга улаш ва уларни созлаш.

23. Компьютернинг ташқи ахборотини ташишга мўлжалланган қурилмалар ҳақида тушунча.

Флешкани компьютерга улаш ва ундаги маълумотларни компьютерга кўчириш усуллари. Бошқа техник воситалар (телефон, видеокамера) дан компьютерга ташқи маълумотларни ташувчи қурилма -картриддернинг тузилиши, унинг ишлаш принципи.

Амалий машғулот: Ташқи маълумотларни компьютерга ўтказиш усуллари.

24. МТНИ-3.

15-23 мавзулар бўйича ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш.

25. Модем турлари ва уларни ўрнатиш.

Модемнинг функцияси ҳақида тушунча бериш. Модем турларига таъриф бериш.

Амалий машғулот: Модемларни компьютерга ўрнатиш.

26. CD-RW, CD-ROM ларни ўрнатиш

CD-RW, CD-ROM – дискларни ўқувчи ва ёзувчи қурилмани компьютерга ўрнатиш ва ундан фойдаланиш йўллари.

Амалий машғулот: CD-RW, CD-ROM – дискларни компьютерга ўрнатиш. Зарур ҳолларда ушбу қурилмаларни алмаштириш.

27. Floppy дисководни ўрнатиш

Амалий машғулот: Floppy дисководнинг бажарадиган вазифаси. Унинг тузилиши ва ўрнатиш усуллари ҳақида маълумот бериш.

28. Джойстикни ўрнатиш ва созлаш

Амалий машғулот: Джойстикнинг ишлаш принципи, уни ўрнатиш ва созлаш йўллари ҳақида тушунча бериш.

29. Веб – камерани ўрнатиш ва созлаш

Веб-камера ҳақида маълумот бериш. Веб–камеранинг функцияси, тузилиши, уни компьютерга улаш йўллари.

Амалий машғулот: Веб–камерани компьютерга улаш.

30. Овоз платасини компьютерга ўрнатиш

Овоз платаси ҳақида маълумот бериш. Унинг вазифаси ва ишлаш принципи ҳақида тушунча бериш. Овоз платаси ишдан чиққанида уни янгилаш усуллари.

Амалий машғулот: Овоз платасини компьютерга ўрнатиш. Овоз платаси ишдан чиққанида уни янгилаш.

31. МТНИ-4

25-30 мавзулар бўйича ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш.

Фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Қонунлари // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ матбаа - нашриёти, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-165 б.
5. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 69-сонли буйруғи.
6. А.Абдуқодиров. “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари”.
7. Аммерал Л. “Машина графикаси” 4-китоб, М. 1992 й.
8. Петров М.Н., Молочков В.П. “Компьютер графикаси” Олий ўқув юртлири учун. Питер, 2004.
9. Энджел Э. “Интерактив графикаси”
10. Краснов Ю. “Программалашган уч ўлчамли графика”
11. Красильников Г.А. ва бошқалар. “Муҳандислик ишлари автоматикаси жадваллари” С.-Петербург, 2000
12. Мураховский В.И. “Компьютер графикаси.” М.2002
13. Полешук Н.Н. Самоучитель Петербург, 2003

Электрон манбалар

1. www.ziyounet.uz
2. www.jurnal.com
3. Exploiting Virtual Reality Techniques in Education and Training: Technological Issues <http://www.man.as.uk/MVC/SIMA/vrtech/> Electronic visualization Laboratory-Publications.
4. Training Solutions-Virtual Design Modeling [http://ourworld.compuserve.com/homepages/virtual design modeling/training.htm](http://ourworld.compuserve.com/homepages/virtual_design_modeling/training.htm)
5. [www. faqs. org. Ru](http://www.faqs.org)
6. [www. fump. fizten. ru](http://www.fump.fizten.ru)
7. [www. codenet. ru](http://www.codenet.ru)
8. [www. dame.mipt. ru](http://www.dame.mipt.ru)
9. [www. Booket.ru](http://www.Booket.ru)

Китобча бетлари:

6-7

4-9

2-11

12-1

10-3

8-5